



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРНИНГ СТРАТЕГИК ФИКРЛАШИННИГ АҲАМИЯТИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a13

**Махмудов Аслиддин Сирожиддин ўғли –
ТДИУ тадқиқотчиси**

Аннотация. Мақолада стратегик бошқарув ҳисоби контекстида бухгалтерниң профессионал фикрлашини мөхияти тадқиқ этилган. Шунингдек, бухгалтерниң профессионал фикрлашини сифатига таъсир қилувчи бир қатор мезонлар аниқланган.

Калит сўзлар: профессионал фикрлаш, стратегик фикрлаш, тактик фикрлаш, бухгалтер малакаси, халқаро стандартлар, стратегик бошқарув ҳисоби, ҳисоб сиёсати, ноаниқлик ҳолати, маълумотлардан фойдаланувчилар.

РОЛЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ БУХГАЛТЕРА ПРИ ПЕРЕХОДЕ К ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Махмудов Аслиддин Сирожиддин ўғли –
Соискатель ТГЭУ**

Аннотация. В статье рассматривается сущность профессионального мышления бухгалтера в контексте стратегического управленческого учета. Также был выявлен ряд критерииев, влияющих на качество профессионального мышления бухгалтера.

Ключевые слова: профессиональное мышление, стратегическое мышление, тактическое мышление, квалификация бухгалтера, международные стандарты, стратегический управленческий учет, учетная политика, случай неопределенности, пользователи данных.

THE ROLE OF THE ACCOUNTANT'S STRATEGIC THINKING IN THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY

**Makhmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li –
TSUE researcher**

Annotation. The article examines the essence of the professional thinking of an accountant in the context of Strategic Management Accounting. Also, a number of criteria have been identified that affect the quality of professional thinking of an accountant.

Keywords: professional thinking, strategic thinking, tactical thinking, accountant qualification, international standards, strategic management accounting, accounting policy, uncertainty case, data users

Кириш. Стратегик бошқарув иқтисодиётни глобаллашуви шароитида бошқарув ҳисобини ривожланишининг янги босқичига олиб чиқади. Стратегик бошқарув ҳисоби вазифаси компания раҳбариятини ташқи ва ички маълумотлардан фойдаланган ҳолда стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилишдан иборатdir. Олдиндан тўплланган маълумотлар корхонанинг ижобий имиджини шакллантиришга, рақобатдош устунликларга эришишга ҳамда кредиторлар, инвесторлар ва ҳамкорларнинг ишончини қозонишга олиб келади. Бошқарувчилар бухгалтерлардан стратегик характерга эга бўлган тўлиқ маълумотларни тақдим этишини талаб қиласди. Бухгалтерлар ўз навбатида, маълумотлар тўғри бўлиши, вазиятни тўлиқ тавсифлаши ва тегишли чораларни ўз вақтида кўрилиши учун етарли даражада касб малакасига эга бўлиши керак. Шунинг учун бухгалтерларнинг билим савияси ва малакаси корхона

эгалари, корхонанинг инсон ресурслари менежерлари томонидан доимо эътиборда бўлиши керак.

Шунингдек, ҳозирги кунда жамият томонидан ҳам бухгалтерларга, хусусан унинг шахсий фазилатларига юқори талаблар қўйилмоқда. Корхонада бухгалтерия ҳисобини замон талаблари асосида ташкил этиш бухгалтерия фаолияти давомида бухгалтерниң шахсий ва касбий фазилатлари сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган профессионал фикрини кенг қўллашни назарда тутади.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, бухгалтер корхонада нафақат бухгалтерия ҳисобини ташкил қиласди ва юритади, балки уни бошқаришда ҳам бевосита иштирок этади. У турли бўғин бошқарувчиларини бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлайди. Бухгалтер шунингдек, пул оқимларини ҳисоблаш; даромадларни режалаштириш; харажатлар сметасини тузиш ва назорат

қилиш; корхонанинг шартномавий ва баҳо сиёсатини ва шартномаларни ҳисобини юритиши мувофиқлаштиради; бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш; солиқ ҳисобини ташкил этиш ва белгилаш ва бошқаларда иштирок этади. Бундан келиб чиқадики, корхона бошқарувчиларига тақдим этиладиган маълумотлар ва хуносалар самарали қарорлар қабул қилишга ёрдам бериши учун замонавий бухгалтерлар ўз фаолиятида профессионал фикрлашга таяниши зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш тамоийллари ва методологиясини шакллантириш, бухгалтер томонидан малакали тузилган ҳисоб сиёсатига бевосита боғлиқ бўлади. Корхоналарнинг ўз фаолиятини фойда билан якунлаши ва мазкур фойданинг миқдорига бухгалтернинг профессионал фикрлаши катта таъсир кўрсатади. Бу эса бухгалтерни танлашда нафақат уни малакасига, балки ахлоқий фазилатларига ҳам эътибор қаратиш зарурлигини билдиради. Улар янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ҳалол, замонавий билим ҳамда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши керак.

Бухгалтернинг кундалик фаолиятидаги ўзига хос вазифаларидан бири мутахассис сифатида маълум бир хўжалик жараёни бўйича ўз нуқтаи назарини шакллантиришидир. Ўз хизмат вазифасини бажаришга профессионал ва ижодий ёндашиш билан бир қаторда хўжалик жараёнларига ишбилармонлик нуқтаи назаридан қараш фақатгина юқори малакали мутахассисга хос хислат ҳисобланади.

Профессионал ёндашув бухгалтернинг малакали фикрлашини натижаси ҳисобланади ва бухгалтерия ҳисобида ноаниқлик шароитида хўжалик жараёнларини қайд этишнинг самарали усулини тўғри танлаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишга имконият яратади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда профессионал фикрлаш тушунчасининг мазмuni тўлиқ шакллантирилмаган ва тадқиқот мавзуси бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий хужжатларда мазкур тушунчага оид таъриф келтирилмаганлигидир. Хорижда эса биздан фарқли равишда профессионал фикрлаш тушунчаси (professional judgment) узоқ вақтлардан бери ҳисоб категорияси сифатида қўлланилади. Шунингдек, хорижий иқтисодий адабиётларда мазкур атамага оид кўплаб тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда.

С. Е. Егорованинг таъкидлашича, 1944 йилда Ж. Дюмарше бухгалтерия ҳамжамиятига “Фан – вижданлилик – мустақиллик” герби ва шиорини тавсия қилган, бунда у ҳақиқий бухгалтерлар учун касбий билимларни (илмиylik),

ушбу билимларни амалга оширишда вижданлиликни (касбий кўникмалар) ва унинг касбий фикрни ифода этишда мустақилликни таклиф қилган [1].

Илмий адабиётларни ўрганиш мазкур атамага оид турли таърифлар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун, профессор В.Жукнинг фикрига кўра, “Бухгалтернинг стратегик жиҳатдан фикрлаши - бу бухгалтернинг кундалик фаолиятида намоён бўладиган касбий маҳорати, маълум бир бизнес операцияси ҳақидаги қарашлари, ўз вазифаларини бажаришга ижодий ёндашиши, хўжалик жараёнларини ишбилармонлик нуқтаи назаридан тушуниши, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун вазият тўғрисида вижданон фикрларни шакллантирилиши оқибатида керакли натижалар беришидир” [2].

Иқтисодчи олимма Е.А.Шевелева “Профессионал фикрлаш - бу бухгалтернинг касбий фаолиятининг мажбурий ажралмас қисми бўлиб, унинг савияси бухгалтернинг касбий мувофиқлигини ва у ҳал қиладиган вазифаларнинг мурракаблигини белгилайди”[3], - деб таъкидланади.

Бир гуруҳ олимларни ёзиича, “Профессионал фикрлаш - бу корхона фаолиятининг хўжалик жараёнларини ҳисоботда акс эттиришнинг кўплаб варианatlари бўлган вазиятларга оид бухгалтерия ҳисоби қоидалари ва талаблари доирасида қабул қилинган ваколатли мутахассиснинг асосли фикридир” [4].

Профессор Н.А.Миславскаяни таъкидлашича, “Бухгалтернинг профессионал фикрлаши - бу бухгалтерия тизимида ҳаққоний маълумотларни тақдим этишга имкон берадиган ва бухгалтерия молиявий ҳисоботи фойдаланувчilarи ўртасида ноаниқ ҳисоб-китоблар ва нотўғри тасаввурларни шакллантириши истисно қиласидан хўжалик операцияларини аниқлаш, баҳолаш ва улар ўртасида мантиқий боғлиқликни ўрнатиш билан боғлиқ илмий фикрлашнинг маҳсус шаклидир”[5].

Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги таърифларни ўрганиш илмий адабиётларда профессионал фикрлашнинг таърифига оид иккита ёндашув мавжудлигини кўрсатди. Биринчи ёндашувда муаллифлар бухгалтернинг профессионал фикрлаши таърифини келтирган бўлса, иккинчи ёндашувда эса мутахассиснинг фаолият соҳаси кўрсатилмаган ҳолда профессионал фикрлашнинг талқини келтирилган.

Ушбу атамани бухгалтерия ҳисоби тизимидағи роли ва ўрни масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодчи олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш асосида бухгалтернинг профессионал фикрлашига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланди. Уларга мутахассиснинг билими, малакаси, тажрибаси, корхонадаги мавжуд ахборотлар ва қарорлар

қабул қилишдаги эркинлик, ҳисобдаги амалий кўнилмалар, амалиётдаги ноаниқликлар ҳамда арбитраж судини ҳозирги ҳолати киради.

Ушбу концепцияни талқин қилишда биз иқтисодий адабиётларда келтирилган унинг мазмунига оид мавжуд ёндашувлардан, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида маълумотларни акс эттириш жараёнида профессионал фикрнинг шаклланишига таъсир қилувчи аниқланган омиллардан келиб чиқдик. Бунинг натижасида қуидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди. Унга кўра, “Профессионал фикрлаш деганда бухгалтерия мутахассисининг бухгалтерия ҳисоби объектлари ва ҳисоботни тақдим этиш усулларига оид маҳсус билимларга, мутахассиснинг тажрибасига, ноаниқлик шароитида хўжалик операцияларини акс эттишининг белгиланган амалиётига асосан шакллантирган асосли, мустақил хулосаси тушунилади”.

Бухгалтерларнинг профессионал фикрини шакллантириш жараёни бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мураккаб ва кам ўрганилган бошқарув фаолият соҳаси ҳисобланади. Бошқарув фаолиятининг маълум бир тури сифатида профессионал фикрни шакллантириш Англия-Америка бухгалтерия модели стандартлари ва халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисобот маълумотларини тақдим этиш тизимиға киради. Бухгалтерларнинг профессионал фикрини МХХС бўйича молиявий ҳисоботни шакллантириш учун асос ролини ўйнайди. Халқаро стандартлар тизимининг хужжатлари ҳисоботни тузиш ҳамда алоҳида объектлар ва операцияларни акс эттиришнинг асосий принциплари ва ёндашувларини тавсифлайди. Ушбу стандартларнинг тавсифида юқорида таъкидланганидек барча мумкин бўлган вазиятларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш бўйича аниқ кўрсатмалар тақдим этилмаган. Шунингдек, халқаро стандартларда счетлар режаси мавжуд эмас, бирламчи хужжатларни юритиш ва бухгалтерия маълумотларини ҳисобга олиш усуллари бўйича ҳам аниқ кўрсатмалар келтирилмаган. “Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича, халқаро стандартдаги бу фарқ асосан бухгалтерия тизимиға оид халқаро стандартларни ўрганиш ва қўллашда “тўсик” бўлади. Шу билан бирга, МХХС барча бухгалтерия вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган керакли воситаларга эга. Бухгалтерия ходими халқаро стандартлар хужжатлари қоидаларига асосланиб ва ўзининг профессионал фикрлашидан келиб чиқиб, ушбу вазиятда қарор қабул қилиши керак” [6].

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ҳисоб обьектини баҳолаш ёки тан олишнинг ҳар бир ҳолати учун бухгалтерия ходимини ҳаракатларини батафсил алгоритми келти-

рилмаган. Бундай вазиятларда мутахассислар бухгалтерия ҳисоби юритиш усули тўғрисида мустақил (аммо асосли) қарор қабул қилишда ўзларининг профессионал фикр-мулоҳазаларидан фойдаланишлари керак.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мамлакатимиздагидан фарқли равишда халқаро стандартларни жорий этишда кўпинча “профессионал фикр” тушунчасидан фойдаланилади. Хусусан, МХХС (БХС) 1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” стандартида ҳисобот маълумотларини қулай тақдим этиш учун профессионал фикрлашни қўллаш талаби келтирилган.

МХХС (БХС) 8 “Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия баҳолашидаги ўзгариш ва хатолар” стандартини 10 моддасида келтирилишича, операция, бошқа ҳодиса ёки шартга таллуқли халқаро стандарт бўлмаган тақдирда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва қўллаш учун маълумотларни шакллантиришда профессионал фикрдан фойдаланилиши керак.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тайёрлашда профессионал фикридан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатлар 1-жадвалда келтирилган бошқа стандартларда ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқ тузиш бухгалтерия ходимини профессионал фикридан фойдаланиш орқалигина амалга оширилиши мумкин. Бухгалтернинг профессионал фикри асосий воситалар ва номоддий активларнинг фойдалалик муддати ва амортизация усулини баҳолашда, захирашларни аниқлашда, қадрсизланиш туфайли юзага келувчи йўқотишлар миқдорини аниқлаш, дисконт ставкасини танлаш ва бошқа ҳолларда қўлланилади.

Тадқиқотлар профессионал фикрлаш аслида МХХС талабларига мувофиқ миллий бухгалтерия тизимини ислоҳ қилиш муносабати билан пайдо бўлган ҳодиса эмаслигини кўрсатди. Унинг мавжудлиги амалиётдаги ноаниқликлар ҳолати билан эмас, балки маълум бир касб: бухгалтерия касбининг мавжудлиги билан боғлиқлигини ва бухгалтерия фани пайдо бўлгандан бери қўлланилишини билдиради. Бироқ унинг тўлиқ шаклланиши фақат “барқарор касбий идентификация” босқичидагина содир бўлди.

Касбий идентификациялашнинг бошқа босқичлари учун фақат бухгалтерия тизимида хўжалик жараёнларини акс эттиришнинг “руҳсат этилган” вариантыларидан бирини малакали танлаш қобилияти характерлидир (чунки профессионал фикр қонунчилик талабларига зид бўлган тақдирда, бухгалтернинг ушбу талабларни бузишга ҳаққи йўқ).

Бухгалтернинг профессионал фикрини қўллаш белгиланган халқаро стандартлар рўйхати

№	Стандартнинг номи	Бухгалтернинг профессионал фикри қўлланиувчи соҳа
1.	МХХС 11 (БХС 11) «Қўшма фаолият»	қўшма фаолиятни аниқлаш учун
2.	МХХС 13 (БХС 13) «Ҳаққоний баҳода баҳолаш»	ҳаққоний баҳони аниқлаш учун
3.	МХХС 16 (БХС 16) «Асосий воситалар»	объектни асосий воситалар таркибига ўтказиш, фойдаланиш муддати ва амортизация усулини аниқлаш
4.	МХХС 21 (БХС 21) «Курс фарқларини ўзгаришини таъсирли»	функционал валютани аниқлаш
5.	МХХС 24 (БХС 24) «Алоқадор томонлар хақидаги маълумотларни тақдим этиш»	тегишли томонлар тўғрисидаги маълумотларни батафсил баён этиш билан боғлиқ
6.	МХХС 29 (БХС 29) «Гиперинфляция иқтисодиётида молиявий ҳисобот»	гиперинфляция иқтисодиётида бухгалтерия ҳисоби қоидалари қўлланиладиган инфляция даражасини аниқлаш
7.	МХХС 34 (БХС 34) «Оралиқ молиявий ҳисобот»	оралиқ молиявий ҳисоботни тайёрлашда
8.	МХХС 37 (БХС 37) «Резервлар, шартли мажбуриятлар ва активлар»	баҳолаш мажбуриятларининг тан олиш шартларини аниқлаш учун
9.	МХХС 38 (БХС 38) «Номоддий активлар»	номоддий активларни тан олиш ва фойдалилик муддатини аниқлашда
10.	МХХС 39 (БХС 39) «Молиявий инструментлар:тан олиш ва баҳолаш»	молиявий активнинг қадрсизланишини аниқлаш учун
11.	МХХС 40 (БХС 40) «Инвестицион мулк»	инвестицион активни тан олишда
12.	МХХС 7 (IFRS) "Молиявий инструментлар: маълумотларни ошкор қилиш"	молиявий воситалар ва улар билан боғлиқ хавфларни ошкор қилиш учун

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қуйидаги масалаларни ҳал этишда профессионал фикрга таяниш керак:

- келажакда объектдан иқтисодий фойда келадими, уларнинг кириб келиши ёки чиқиб кетиши эҳтимоли қанчалик катта;
- ушбу объектдан фойдаланишнинг иқтисодий фойдаси корхонага қандай келиб тушади;
- объектнинг қийматини қанчалик ишончли ўлчаш мумкин;
- келажакда объект қийматининг пасайиши натижасида йўқотиш риски қандай.

Аниқ фактлар ва ҳодисаларни қуйидагилар нуқтаи назаридан баҳолашда профессионал фикрлашга таяниш зарур:

- уларнинг ҳуқуқий шакли ва иқтисодий мазмуни нисбати;
- молиявий ҳисоботда ва бошқа кўплаб ҳолатларда ушбу маълумотларнинг муҳимлиги.

Бухгалтернинг профессионал фикри унинг билим даражаси, маълумоти, касбий тажрибаси ва касбий этика тамойилларидан фойдаланишга асосланади. Таҳлиллар кўрсатдикни, бухгалтернинг профессионал фикри хўжалик операциялари ва ҳисоб объектларини бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботида акс эттириш билан боғлиқ кўпгина масалаларни қамраб олади. Бухгалтер ўзининг профессионал фикрини шакллантириши керак бўлган асосий йўналишларга қуйидагилар киради:

- молиявий ва номолиявий ҳисобот турлари, уларнинг таркиби, тузилиши, тафсилотларини аниқлаш;

- хатарларни аниқлаш, мавжуд ва прогноз қилинадиган иқтисодий самараларни ҳисоблаш;

- турли ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимолини прогноз қилиш;

- ахборотнинг объективлигининг миқдорий ва сифат параметрларини, моддийлик дараҷасини, молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тафсилотларини ошкор қилишнинг рухсат этилган чегараларини аниқлаш;

- компаниянинг алоҳида активлари бўйича эгалик қилиш ҳуқуқини бериш вақтини аниқлаш.

Бухгалтер қарор қабул қилиш орқали баҳолаш ва тавсифлаш каби бошқарув фаолиятини амалга оширади. Баҳоловчи ва тавсифловчи фаолият эса маълум ҳодисаларнинг содир бўлишини башорат қилиш ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини таҳлил қилиш имконини беради. “Бухгалтерия ходими бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи тамойиллари ёки стандартларига асосланиб, ўз корхонаси дуч келиши мумкин бўлган келажакдаги воқеалар ривожланишининг прогнозини тузишга ҳаракат қилганда, ушбу фаолият турига тўқнаш келади”[4].

Таъкидлаш керакки, бухгалтернинг профессионал фикрини шакллантириш маълум бир рискка ҳам эга бўлиши мумкин. Шу боисдан бухгалтернинг вазифаси нафақат муқобил ечимларни излаш, балки уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, шакллантирилган профессионал фикрининг олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини башорат қилишдан ҳам иборат бўлиши керак. Бу бухгалтерия ҳисоби элементларини аниқлаш ва

уларни таснифлаш ҳамда баҳолаш усулларини танлаш, хўжалик жараёнларини содир бўлган даврни аниқлаш, маълумотларни ошкор қилиш учун хўжалик фаолияти жараёнларининг муҳимилигини баҳолаш, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда аниқланган хатоларни тузатиш, ҳисббот санасидан кейин тузатувчи ҳодисаларни тан олиш билан боғлиқдир.

Фикримизча, бухгалтернинг профессионал фикрини қўллашнинг вақтга боғлиқлигини таснифлаш белгиси сифатида ажратиш ушбу фикр турли хил бухгалтерия объектларини баҳолашнинг шаклланиши ва унинг бухгалтерия ҳисоботларида турли вақт даврида акс эттирилишига таъсир қилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, стратегик ва тактик профессионал фикрларга ажратилади. Стратегияга оид профессионал фикр бир молиявий йилдан кўп даврга таъсир қиласди. Ушбу турдаги фикрлар деярли ҳар доим ҳисоб сиёсатида белгиланади ва бухгалтерия сиёсатини қўллашда изчилликни тахмин қилиш асосида бир неча ҳисббот даврларида амалга оширилади.

Тактикага оид фикр таъсири аниқ бир хўжалик жараёнига тааллуқли бўлган ёки бир молиявий йил давомида қўлланиладиган фикрdir.

Стратегик бошқарув ҳисоби самарали жорий этиш учун маълумотлар қулай шаклда тақдим этилган бўлиши ва қарор қабул қилувчилар учун тушунарли бўлиши керак, чунки маҳсус тайёргарликсиз қарор қабул қиласидиган менежерлар учун тақдим этилган маълумотларга асосланиб қарор қабул қилиш қийин бўлади.

Шунинг учун, бухгалтер учун профессионал фикрлашда менежмент томонидан тушунмовчилик хавфини бартараф этиш мақсадида қулай шаклда маълумотлар тақдим этиш, шунингдек, қарорлар қабул қилишдан олдин маълумотларни ўзлаштириш вақтини қисқартириш масаласи муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган тадқиқотлар бухгалтернинг профессионал фикрлашини сифатига таъсир қилувчи бир қатор мезонларни аниқлашга имкон берди.

Фикримизча, бухгалтернинг профессионал фикри самарали бўлиши учун:

- бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисобининг замонавий методологиясини чуқур билиши;

- бухгалтерия ҳисоби, ҳисббот ва молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, фуқаролик ҳуқуқи ва солиққа тортиш бўйича амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларни билиши;

- тизимли ўз малакасини ошириши шарт.

Профессионал фикр мутахассиснинг ноаниқлик ҳолатларида билдирилган ва корхона ҳисоб сиёсати ёки бошқа норматив хужжатларнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ушбу

хулосага таъсир қилиши мумкин бўлган барча мавжуд обьектив омилларни профессионал баҳолашга асосланган, молиявий ҳисбботда ҳисоб обьектларини тан олиш ва баҳолаш тафсилотларига оид фикри ҳисобланади. Шу боисдан ундан халқаро ва маҳаллий амалиётда молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботовини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида самарали фойдаланилади.

Бухгалтернинг профессионал фикрининг ишончлилиги ва яхлитлиги талабларига риоя қилган ҳолда, бундай фикр бухгалтерия тизимидағи ноаниқликларни камайтириш ва бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришнинг асосий воситасидир.

Фикримизча, профессионал фикрлашга: янги бухгалтерия воситаси, корхонани янги маданият элементи ёки бухгалтерия хатарларини камайтириш усули сифатида қараш мумкин. Шу билан бирга, бухгалтернинг профессионал фикрлашининг асосий характерли хусусиятларидан бири сифатида ноаниқликни келтириш мумкин.

Профессионал фикрни шакллантириш бир қатор омиллар, яъни амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва арбитраж суди амалиётидаги ноаниқлик, мавжуд маълумотлар, бухгалтернинг малақаси ва тажрибаси ҳамда маълумоти, қарорлар қабул қилишда эркинлик даражаси ва касбий ахлоқий муносабатлар таъсири остида амалга оширилади.

Бухгалтерия (молиявий) ҳисбботларидағи маълумотлар фойдаланувчилар учун муҳим бўлганлиги сабабли, бухгалтернинг профессионал фикрлаши масаласи корхона фаолиятининг тактикаси ва стратегияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Шундан келиб чиқиб, қўйидигилар шакллантирилади:

бухгалтернинг корхона тақтикасига оид профессионал фикри, яъни таъсири хўжалик фаолиятининг битта жараёнига ёки бир ҳисббот даврига тааллуқли фикр. Бухгалтернинг ушбу профессионал фикри бухгалтерия (молиявий) ҳисбботлари иловаларида келтирилади (хужжатлаштирилади). Ушбу турдаги маълумотлар ҳисббот санасидан кейин содир бўлган воқеалар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишни ҳам ўз ичига олиши мумкин;

- бухгалтернинг корхона стратегиясига оид профессионал фикри, яъни бир неча ҳисббот даври (молиявий йил)га мўлжалланган фикр. Унинг узоқ муддатга мўлжалланганлиги корхонанинг ҳисоб сиёсатида қайд этишни тақозо этади, бу эса ўз навбатида, уларни маълумот фойдаланувчилари учун бухгалтерия (молиявий) ҳисбботларида ошкор қилишни назарда тутади.

Манфаатдор фойдаланувчиларга маълумотлар етказиб бериш мақсадида бухгалтерия

ҳисобининг стратегияси ва тактикасини танлашда професионал фикр бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солишнинг ривожланти-

риш ва янада такомиллаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралиши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Егорова С.Е., Юданова Л.А. Профессиональное суждение бухгалтера и учет расходов будущих периодов / С.Е. Егорова, Л.А. Юданова // Современное состояние и перспективы развития бухгалтерского учета, экономического анализа и аудита: материалы международной научно-практической конференции/под научной редакцией Е.М. Сорокиной. – Иркутск, 2015. – С. 208–213.
2. Жук В., Грияевский С., Нагірска К. Стратегічне судження бухгалтера. Економічний часопис Волинського національного університету імені Лесі Українки. РОЗДІЛ II. Облік, аналіз, аудит та оподаткування. 4, 2021.
3. Шевелева, Е.А. Профессиональное суждение бухгалтера в условиях перехода к цифровой экономике / Е.А. Шевелева // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». – 2020. – Т. 14, № 2. – С. 129–136.
4. Пономарева С.В., Мироненко В.М. Механизм профессионального суждения в реализации принципов бухгалтерского учета. Экономика: проблемы, решения и перспективы. //Вестник университета. № 7-8, 2017.
5. Миславская Н.А. Профессиональное суждение: научный аспект. //Аудит и финансовый анализ. 1'2016.
6. Бодяко А. В. Консолидация плановой и отчетной информации для внутрикорпоративного контроля в предпринимательских структурах холдингового типа [Электронный ресурс] / А. В. Бодяко // Российский экономический интернет-журнал. – 2016. – № 3. – С. 4. – Режим доступа: <http://www.re-j.ru/archive/2016/3>; Горлов В.В. Теоретический анализ категориального аппарата управленческого учета [Электронный ресурс] / В. В. Горлов, Т. М. Рогуленко // Российский экономический интернет-журнал. – 2016. – № 4. – С. 50. – Режим доступа : <http://www.re-j.ru/archive/2016/4>



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ходжиев Мехридин Сулаймонович -
Тошкент молия институти
Аудит кафедраси доценти, PhD

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a14

Аннотация. Мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларда (ННТ) аудиторлик текширувни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, аудитнинг мақсади, ННТ фаолиятини ташкил этишига қўйилган талаблар ва уларнинг таснифи, ННТларни молиялаштириш манбаларини текширишининг муаммолари жиҳатлари ёритилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда ННТлар сонининг динамик ўзгариши, соҳалар бўйича таҳлили, ННТда асосий фаолият билан боғлиқ операциялар аудитини ўтказиш тартиби ёритилган. Шунингдек, ННТ аудиторлик текширувни ташкил қилишининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда тегишили хуносалар шаклантирилган.

Бу эса, ўз навбатида, ННТлар асосий фаолияти учун берилган мақсадли тушумларнинг сарфланиш аудитини ўтказишни тақомиллаштириши ҳамда молиявий ҳисоботлар бўйича ҳаққоний аудиторлик хуносаси тузишга имконият яратади.

Калим сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), ассоциация, жамоат фонди, тижорат ташкилоти, аудит, маъжбурий аудит, мақсадли тушум, грант, субсидия, хайр-эҳсон маблағлари, ҳисобот, молиявий ҳисобот.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ АУДИТА В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Ходжиев Мехридин Сулаймонович –
доцент кафедры «Аудит»
Ташкентского финансового института

Аннотация. В статье рассмотрены решения проблем правовые основы проведения аудита негосударственных некоммерческих организациях (ННО), цель аудита, требования к организации деятельности ННО и их классификации, а также аспекты проблем проверки источников финансирования ННО. На сегодняшний день освещены динамика изменения количества ННО в Узбекистане, анализ по отраслям, порядок проведения ревизионных операций, связанных с основной деятельностью ННО. Также в статье, были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию правовой базы организации аудита ННО и сформированы соответствующие выводы.

Это, в свою очередь, дает возможность улучшить аудит расходования целевых доходов по основной деятельности ННО и составить достоверное аудиторское заключение по финансовой отчетности.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации (ННО), ассоциация, общественный фонд, коммерческая организация, аудит, обязательный аудит, целевой поступления, гранты, субсидия, пожертвования, отчёт, финансовый отчёт.